


## Нақд пул муомаласи бўйича қисқача шарҳ

2023 йил январь-июнь ойларида умумий пул тушумлари (нақд пул ва терминал тушумлари) **295,4 трлн.** сўмни ташкил этиб, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан **30,7 фоизга** ошди.

Жумладан, умумий пул тушумларида терминал орқали тушумлар улуши 2022 йил ярим йилликдаги **32,6 фоиздан** 2023 йилнинг мос даврида **38,2 фоизга** ўсиши кузатилди. Савдо ва хизматлар соҳасидан терминал тушумлари салмоғи ўтган йилдаги **37,5 фоиздан** **40,4 фоизга** ошди.

### 1-расм: Умумий пул тушумлари таркиби ва динамикаси

трлн.сўмда




2023 йил январь-июнь ойларида банклар орқали нақд пул айланмаси ҳажми **369,7 трлн.** сўмни ташкил этгани ҳолда, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан **16,9 фоизга** ошди.

Жумладан, банкларга нақд пул тушумлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан **19,8 фоизга** ўсиб, **182,4 трлн.** сўмни ташкил қилди.


### 2-расм: Нақд пул тушумлари ҳажми ва таркиби динамикаси

трлн.сўмда



2023 йил 6 ойида банк кассаларидан (шу жумладан, банкоматлардан) берилган нақд пуллар 2022 йил мос даврига нисбатан **14,2 фоизга** кўпайди ва **187,3 трлн.** сўмни ташкил этди.

### 3-расм: Банклардан нақд пулдаги чиқимлар ҳажми ва уларнинг мақсадлари бўйича таркибий динамикаси




2023 йил январь-июнь ойларида банк карталарига кириш қилинган маблағлар (359,2 трлн. сўм) 2022 йилнинг мос даврига нисбатан **1,6 баробарга** ошди, ушбу даврда банк карталаридаги **86,4 трлн.** сўм маблағлар нақдлаштириб олинган.

2022 йилнинг биринчи ярим йиллигида банк карталарга келиб тушган маблағларнинг **28,1 фоизи** нақдлаштириб олинган бўлса, бу кўрсаткич жорий йилнинг мос даврида **24,0 фоизни** ташкил этди.

**4-расм: Банк карталарига келиб тушган маблағлар ва уларни нақдлаштириш ҳажмлари динамикаси**

трлн.сўмда



Банкларга тушган нақд пулларнинг уларга бўлган талабдан кам қисми Марказий банк томонидан муомалага қўшимча нақд пулларни чиқариш орқали таъминлаб борилди.

Жумладан, Марказий банк томонидан жорий йилнинг 6 оyi мобайнида муомалага қўшимча **6,0 трлн.** сўм нақд пуллар чиқарилди ва 1 июль ҳолатига нақд пулларнинг умумий пул массасидаги улуши **24,8 фоиз**ни ташкил этди.

**5-расм. Муомаладаги нақд пулларнинг пул массасидаги улуши динамикаси**

